Ушбу сонда:
2 ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН
3 ТАДБИРКОР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА
4 «МУҲАББАТ» ФОЖЕАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 18 июл, сешанба №103 (935)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

9

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ БОР

## ВАТАН ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов жанговар қобилияти юксак, тезкор, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бермоқда.

Шу мақсадда Юртбошимизнинг ташаббуси билан бундан қарийб беш йил муқаддам Тошкентда мамлакат Қуролли Кучлари академияси ташкил этилган эди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу ҳарбий академиянинг асосий мақсади - олий маълумотли командир-мутахассислар тайёрлашдан иборат. Ўтган вақт мобайнида мазкур ўқув даргоҳини кўплаб юқори малакали офицер кадрлар муваффақиятли тугаллаб, бугунги кунда Қуролли Кучларимиз қисм ва қўшилмаларида самарали хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида ҳарбий академиянинг навбатдаги битирувчиларини хизмат жойларига кузатишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика Мудофаа вазирлиги ва мазкур академия раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Йиғилишда республика мудофаа вазири, генерал-лейтенант Ю.Аъзамов битирувчиларни ҳарбий академияни муваффақиятли тамомлаганликлари билан самимий қутлаб, уларга армиямиз сафларида ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этиш, мустақил Ватанимизнинг миллий хавфсизлиги ва халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли, шу билан бирга шарафли ишда муваффақиятлар тилади.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан майор О.Раҳмонов ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун ҳукуматимиз, шахсан Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, озод Ватанимиз ва халқимизга, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ишига садоқат билан хизмат қилажакларини таъкидлади.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БОҒ ЁНИДА КОРХОНА

***Бозор муносабатларига ўтиш босқичи саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб қўяди, деганлари рост экан. Бу нарсани савдо хизмати кўрсатиш мисолида ҳам кўриб ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айрим савдо ташкилотларига қарашли дўконларнинг пештахталари ҳувиллаб қолганлиги сир эмас. Наманган вилоятининг чекка туманларидан ҳисобланган, қолаверса, чўл зонаси бўлган Мингбулоқ туманида бунинг аксини кўрасиз. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари сероблигидан кўзингиз қувонади. Хўш, бунга қай тариқа эришилмоқда? Ушбу саволга туман улгуржи-чакана савдо матлубот ҳиссадорлик жамиятининг раиси Абдулходи Боқиев қуйидагича жавоб қайтарди:***

— Харидор талаби — ҳақ талаб! Бу шиорни биз ҳар бир ходим қулоғига қуямиз ва ўзимиз учун ҳам бош вазифа этиб белгилаганмиз. Зотан, харидор имкониятингиз борми-йўқми, суриштириб ўтирмайди. У ўзига керакли бўлган, турмуш кечиришлиги учун зарур молнигина сотиб олади. Савдо бўлмаса режа бажарилмайди. Бинобарин, кейинги йилларда дўконларни аҳоли учун энг керакли, энг зарур озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлдириш йўлида бир мунча тадбирлар амалга оширилдики, булар белгиланган режа-топшириқларнинг уддаланишига ҳам ёрдам қилмоқда.

Жамиятимиз бошқаруви аҳоли талабларини бажаришнинг асосий йўли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш эканлигини аллақачон тушиниб етган ва ҳозирдаёқ бу соҳада бир қатор ишлар қилинди. Чунончи, кейинги икки йилда икки жойда қандолатчилик цехи ташкил этдик. Улар ойига 3 тоннагача унни қайта ишлаб 10 турга яқин тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Мавжуд новвойхоналарни кенгайтирдик. Икки йилдирки, жўжа очириш цехимиз фаолият кўрсатаяпти. Шу йилнинг ўзидагина 50 минг жўжа очириб реализация қилишга эришдик ва фақат шунинг ўзидан 300 минг сўм даромад олишга муваффақ бўлдик. Шу тариқа бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам бирин-кетин ишга туширилмоқда.

Тармоқ учун бугунги куннинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўз ўрнида ҳисоб-китоб қилишдир. Бошқачасига ифодалаганда, маблағи бор ташкилотгина мол олиш ҳуқуқига эга. Демак, бу йўналишда кенгроқ имкониятлар яратиш учун изланиш, фаолиятни такомиллаштириш тақозо этилади. Шу боисдан 3 йил олдин туман ҳокимлигига деҳқончилик бўйича ёрдамчи хўжалик очиш истагини билдириб, мурожаат қилдик. Истагимиз қондирилди. 300 га ер ажратиб берилди. Шундан бери чўлда пахта ва бошқа экинлардан яхши ҳосил олиб келмоқдамиз. Ўтган йилда ёрдамчи хўжаликдан 2 миллион сўмга яқин даромад қилдик. Амалдаги йилда ҳам пахта, полиз, шоли ва бошқа экинлар билан деҳқончилик қиляпмиз. Мўлжалимиз камида 250 тонна пахта ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдир. Бундан ташқари, беда, маккажўхори пояси ҳисобига чорвачилик ёрдамчи хўжалиги ташкил қилишга киришдик.

Туман марказидан унча узоқ бўлмаган Амир Темур номли жамоа хўжалигига қарашли, аммо бир неча йиллардан бери бекор турган қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасини ижарага олганлигимиз ҳам моллар ассортиментини кўпайтиришга, ҳам даромадимиз ошувига кўмаклашмоқда. Ўтган йилда бу ерда атроф қишлоқлардаги хонадонларда етиштирилган боғдорчилик ва сабзавот маҳсулотларидан бир неча миллион сўмлик консервалар тайёрланиб сотувга чиқарилди. Бу соҳадан ҳам анча фойда кўрдик. Бу йил камида 350 тонна помидор ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни мўлжаллаб турибмиз.

Ёрдамчи тармоқлардан кўрилаётган фойда ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий ҳимоялаш, маошларини кўтариш билан бир қаторда туман тараққиёти йўлида сарфланмоқда. Жумладан, ўтган йилда 2 миллион сўм сарфланиб китоб дўкони, озиқ-овқат дўкони, музқаймоқ шахобчаси ва ошхона-чойхонадан ташкил топган «Ёшлар маркази» очилди. Биз бундан кейин ҳам хизмат кўрсатишни янада яхшилаш йўлида изланишда давом этамиз.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.**

*Фахр*

***Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигида 17 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Хўжаликнинг уч минг гектаридан зиёд ери бўлиб, деҳқонлар асосан пахта, ғалла ва сабзавот экинларини етиштириш билан шуғулланишади. Ҳамма ерда бўлгани каби хўжалик мустақиллик йилларида гуллаб-яшнади, ривожланди. Хусусан, аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудларнинг 93 фоизи газлаштирилди. 100 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.***

## ЎЗ ЕРИНИНГ ХЎЖАЙИНЛАРИ

Хўжаликда айниқса тадбиркорликка кенг йўл очилди. Ушбу ҳудудда ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган «Гулистон», «Биз ва дунё» кичик корхоналари, бир нечта хусусий савдо шаҳобчаларини бунга мисол тариқасида кўрсатса бўлади.

— Асли деҳқон оиласидан чиққанман, - дейди фермер Обиджон Назиров. — Лекин илгарилари деҳқон ҳар қанча ишламасин, бири-икки бўлмасди. Бошқача қилиб айтганда, меҳнаткаш далада бутун умр меҳнат қилиб косаси оқармаган. Бундан ташқари ҳалол тер тўкиб топган пулини ҳам бемалол ишлатолмасди. Тузукроқ уй қурган, машина олган, тўй қилган одам балога қоларди.

Фақат мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейингина деҳқон барака топди, қўли пул кўрди. Уни қандай сарфлаш, нималарга ишлатишни ҳам ўзи ҳал қиладиган бўлди. Республикамизда фермерлик ҳаракати бошланиши билан мен ҳам шу хўжалик ҳудудидан 68 гектар ер олдим. Ҳозир ана шу ернинг бир қисмида ғалла етиштирмоқдаман. 200 бошдан ортиқ мол ва қўйларим бор. Ўзимнинг «Алтай» русумли ҳайдов тракторим ва бошқа техникаларим билан ерларга ишлов бераман. Айни чоғда фарзандларим яқиндан ёрдам беришмоқда. Хуллас, истиқлол туфайли қўраларимиз молга, омборларимиз донга тўлди, десам ишонаверинг.

Ҳақиқатан ҳам хўжалик мустақиллик йилларида ривожланиб кетди. Бу ерда ҳозир 6 та замонавий мактаблар мавжуд бўлиб, болаларнинг билим олиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Аҳоли талаби инобатга олиниб хўжаликда кундузги стационар поликлиникаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари бу ерда ёшлар спорт клуби фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир хўжалик ширкат хўжалигига ўтган бўлиб, иш оилавий пудрат асосида ташкил қилинган. Ер далолатнома асосида 10 йилгача деҳқонларга бириктириб берилди. Ер ҳақиқий эгасини топди. Натижада шу кунгача 1200 гектар ғалла майдонлари тўлалигича ўриб олинди. Давлатга 3350 тонна ўрнига 3510 тонна ғалла топшириб, режа 105 фоизга уддаланди. Бунда хўжаликнинг А.Раҳимбердиев бошқараётган Навоий бўлими ғаллакорлари ва бошқармаларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Хўжаликда якка тартибда уй қураётган кишилар ҳам кўпайиб бормоқда. Яқин икки-уч йил ичида томорқа учун катта ер майдони ажратилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Шу кунларда Бангладеш Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Абдуссамад Озод расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Бангладеш ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи хусусида сўз борди. Томонлар ўзаро ришталарни янада мустаҳкамлаш, бу борада мавжуд имкониятларни кенгроқ ишга солиш, икки мамлакат ишбилармонларининг алоқаларини ривожлантириш лозимлигини қайд этди.

Бангладеш аграр давлат ҳисоблансада, тўқимачилик саноати ривожи бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Шу боис, бангладешлик ишбилармонларнинг Ўзбекистон пахтасига қизиқиши катта. 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим қабул қилинганидан кейин икки мамлакат ўртасида шериклик кучая бошлади.

Музокараларда Абдуссамад Озод Бангладеш ҳукумати мамлакатимизни Марказий Осиёдаги муҳим ва кучли ҳамкор, деб билишини таъкидлади. Шунингдек, расмий Дакка Ўзбекистон ҳукуматининг минтақавий хавфсизлик, халқаро терроричилик ва диний экстремизмга қарши кураш борасида саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Бангладешлик меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов билан ҳам учрашди.

**(ЎзА).**

## ДЎСТЛИКНИНГ ХИРМОНИ

Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани ғаллакорлари уйган хирмон 33 минг 700 тоннага етди. Бу давлатга ғалла сотиш шартнома режасида белгиланганидан 6 минг 300 тонна кўпдир.

Эришилган муваффақиятга «Манас», А.Қулбеков, Ҳ.Исроилов номидаги, «Оқолтин», «Дўстлик» ижара ширкатлар бирлашмаларининг ғаллакорлари салмоқли улуш қўшди.

Туман ғаллакорлари ўрим-йиғим суръатини сусайтирмасдан, ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгор қилишмоқда.





Андижон Балиқчилик очиқ ҳиссадорлик жамияти ўз фаолиятини йил сайин ривожлантириб бормоқда. Бу йил минг тонна балиқ етиштириш белгиланган. Айниқса Венгриядан келтирилган сазан балиғи мижозларга манзур бўлаётир. Айни кунларда ҳиссадорлик жамияти корхоналарида 300 тонна балиқни қайта ишлаш, 10 тонна дудланган балиқлик тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятни бажариш учун астойдил меҳнат қилинмоқда. Келгусида жамиятнинг ёрдамчи тармоқларини янада ривожлантириш, уларда 2000 тоннадан ортиқ балиқни қайта ишлаш режалаштирилган. Мустақилликнинг 9 йиллиги арафасида Россия билан ҳамкорликда балиқни қайта ишлаш корхонаси бунёд этиш бошлаб юборилди.

***Суратларда: Ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Қобилжон Комилов ишчи Дилмурод Юсупов билан. Балиқ овлаш пайти.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Эътироф*

## МЎЪЖИЗАКОР ЮРТ

***Мустақил Ўзбекистонда бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш изчил давом этмоқда. Унинг асосий йўналишларидан бири эса — бу, албатта, қўшма корхоналарни барпо этишдир. «Ўзфудмаш» «Ўзбек-болгар» инжиниринг қўшма корхонаси ҳам турли-туман маҳсулотлари билан аҳоли эҳтиёжини қондиришга хизмат қилиб келмоқда. Қуйида ана шулар хусусида гап боради.***

1996 йил 30 октябрда Ўзбекистон томонидан икки фуқаро — Ф.Раҳимов билан Ш.Йўлдошев ҳамда Болгария томонидан машҳур «Фудмаш» компанияси 1-сонли баённома билан «Фудмаш лизинг» Ўзбек-болгар қўшма корхонасини таъсис этдилар. Корхонанинг асосий вазифаси озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича жиҳоз ва асбоб-ускуналарни лизинг учун етказиб беришдан иборат. Бу жиҳозлар - сут, колбаса, макарон мини заводлари бўлиб, бемалол бир ёки бир неча кичик ишлаб чиқариш хонасида жойлашади. Худди шу заводлар кўмагида корхонамиз 1996 йил 27 ноябрда ишга тушганди.

Ихтисослашиш ҳақида тўхталсак, бизда у турли-туман кўринишларда мужассамлашган. Корхонамизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сифатли ўраш-жойлаш тизимлари мавжуд. Биз ҳар хил сут, гўшт-ёғ, ун, мева-сабзавот маҳсулотларини, гельлар, «Лорена» номи билан донг таратган кулчалару нонлар, пряниклар, печеньелар, пирожнийлар ва тортлар чиқарамиз. Бундан ташқари, Италиянинг «Techopat» фирмасининг кулчалар пиширадиган, хамир қорадиган, зувалайдиган, ёядиган, юмалоқлайдиган, турли-туман пишириқлар тайёрлайдиган мосламаларини харид қилганмиз ва уларни юртимиздаги кичик ва ўрта корхоналарга таклиф этмоқдамиз.

Шунингдек, Болгариянинг «Lorena Trading» компанияси билан ҳамкорликда «Lorena» қўшма корхонасини барпо этдик. Мазкур қўшма корхона 1999 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. Унда бизнинг инжиниринг қўшма корхонамизнинг 50 фоиз Низом сармояси мавжуддир. Янгийўл шаҳрида жойлашган корхонамиз «Lorena» порошокларининг 6 турини (игнабаргли, лимонли, олмали ва ҳоказо турларини) ишлаб чиқаради.

Шу билан бирга, биз АҚШ «Амир Компани ЛТД» компанияси билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Улар бизнинг дистрибюторларимиз. Яъни улар маҳсулотларимизни сотиб беришга ёрдамлашадилар.

Бизнинг бошқарув ходимлари 6 кишидан иборат бўлиб, ишлаб чиқаришда эса 45 киши машғулдир.

Қўшма корхонамиз Янгийўл шаҳрида жойлашган. Биз бу ерда идиш-товоқ, чинни сопол буюмларни ювиш порошокларини ишлаб чиқарувчи технологик тизимларни ўрнатганмиз. Тизим эса хом ашёни майдаловчи тегирмон, узатувчи транспортёр, қоргич, ярим автоматик дозатор ва ўраш-жойлаш машинасидан иборат. Шунингдек, хонада соатига 600 дона порошок банкачаларини пуфлаб ясовчи автоматик мослама ҳам жойлашган. Асосий технологик тизим бир иш вақтида 500 грамм вазнли 5000 та банкача ишлаб чиқара олиш қувватига эга. Барча ускуналар Болгария фирмаларида тайёрланган. Хомашё ва материалларнинг 80 фоизи маҳаллий манбалардан олинган. Булар жумласига мармар уни, ош тузи, Қўнғирот сода заводи ишга тушганидан сўнг эса — кальцийланган сода ҳам киради. Шу билан бирга, «Ўзфудмаш» яна бир бинода кисел ва қуруқ шўрва зираворларини ишлаб чиқарувчи технологик тизимни ўрнатган. Бу ердаги асосий технологик тизим эса бир иш вақтида 100 грамм вазнли 5000 та ўрам чиқаради.

Ҳозирги вақтдаги иш фаолиятимизнинг асосий турлари — бу 75 фоиз мева кисели ва зираворларини ишлаб чиқариш ҳамда 25 фоиз озиқ-овқат саноати учун импорт асбоб-ускуналари билан савдо қилишда мужассамлашган.

Ҳар бир хизматчи ўз соҳасининг омилкор мутахассиси, ўзи ишлаётган дастгоҳда иш кўникмаларини ҳосил қилган бўлиши лозим. Албатта, бирорта чет тилини мукаммал билиши зарур. Масалан, биз ходимларимизни Болгария, Италияга малака ошириш учун ўқишга юборамиз. Корхонамизда ишлайдиган кўпчилик хизматчиларимиз 2-3 чет тилини биладилар.

Японияда оилавий руҳ деган тушунча мавжуд. Яъни, меҳнат жамоаси корхонада ўзини худди уйида, оиласидагидек ҳис қилиши лозим. Ходимлар бир-бирларига шунчалик боғланиб қолсинларки, ўзларини мана шу оилавий корхонанинг ажралмас ва зарурий аъзоси деб тушунсинлар. Ахир, ишлаб чиқаришда энг асосийси — хизматчиларнинг ўзаро муносабати, бир-бирларини тушуна олишлари эмасми?

**Валерий ТАНСАН,**
**«Ўзфудмаш» бош директори.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 18 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 158,12 |
| 1 Австрия шиллинги | 18,47 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 405,79 |
| 10 Бельгия франки | 63,02 |
| 1 Голландия гульдени | 115,36 |
| 10 Греция драхмаси | 7,56 |
| 1 Дания кронаси | 34,10 |
| 1 БАА дирхами | 73,81 |
| 1 АҚШ доллари | 271,07 |
| 1 Миср фунти | 78,01 |
| 10 Испания песети | 15,28 |
| 100 Италия лираси | 13,13 |
| 1 Канада доллари | 182,66 |
| 1 Хитой юани | 32,74 |
| 10 Люксембург франки | 63,02 |
| 1 Малайзия ринггити | 71,34 |
| 1 Германия маркаси | 129,98 |
| 1 Польша злотийси | 62,72 |
| 1 СДР | 357,84 |
| 1000 Туркия лираси | 0,43 |
| 1 Финляндия маркаси | 42,75 |
| 1 Франция франки | 38,75 |
| 1 Швейцария франки | 164,07 |
| 1 ЕВРО | 254,21 |
| 10 Жанубий Корея вони | 2,44 |
| 10 Япония иенаси | 25,08 |
| 1 Россия рубли | 9,73 |
| 1 Украина гривнаси | 49,84 |

****/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

